




# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2017 йил 17 сентябрь, № 187 (6881) Яқшанба

Сайтимига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

## ЯҚИН ҚАРДОШЛИК ВА ЎЗARO МАНФААТДОРЛИККА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 16 сентябрь куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Нурсултон Назарбоев Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонида ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументига гул қўйди.

Президентлар пойтахтимиздаги Шайх Хованди Тоҳур ва Тўлабий мақбараларини зиёрат қилдилар. Шу ерда оммавий ахборот воситалари вакиллари қисқача интервью берилди.

Нурсултон Абшешев ташрифларини муқаддас қадамжолар зиёратидан бошлаганида катта маъно бор, деди Шавкат Мирзиёев. Чунки Тўлабий халқларимиз бирдамлиги ва ҳамжихатлиги йўлида хизмат қилган. Шайх Хованди Тоҳур бобомиз ҳам бутун умр элни тинчлик ва осойишталикка қорлаган. Бутун халқларимиз бирдамлиги йўлида қилнаётган ишлар ҳам ана шу қадимий дўстлигимизни янада мустаҳкамлашга қаратилган.

Халқларимиз буюк аждодларини доимо ҳурмат қилиб келган, деди Нурсултон Назарбоев. Ўзбекистон заминидан қозоқ халқининг ардоқли фарзанди Тўлабий дафн этилган. Тўлабий ўз даврининг таниқли шахсларидан

бири бўлиб, қози сифатида танилган. «Жети Жарғи» қонунлар тўпламини тузишда муаллифлардан бири бўлган. Доимо элни бирликка бошлаган. Шавкат Мирмоновичга қозоқ халқининг буюк фарзанди Тўлабий макбарасини ободонлаштиришга қаратаётган катта эътибори учун миннатдорлик билдираман. Халқларимизни буюк аждодларимиз руҳи доимо қўлласин.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов ҳайкали пойига гул қўйиб, Буюк Йўлбошимиз хотирасига ҳурмат баҳо келтирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев «Ўзэкспомарказ»да ташкил этилган Қозоғистон миллий маҳсулотлари кўргазмаси билан танишди.

«Ўзбекистон — Қозоғистон: ҳамкорликнинг янги босқичи» деб номланган ушбу кўргазмадан асосий мақсад икки мамлакат компаниялари ўртасида барқарор алоқаларни йўлга қўйиш ҳамда янги қўшма савдо-иқтисодий ва сармоявий лойиҳаларни амалга оширишга мақлашадиган иборат. Унда

Қозоғистоннинг автомобилсозлик, нефть-газ, ҳарбий техника, авиация, фармацевтика, текстиль, ахборот технологиялари, қурилиш материаллари ва бошқа соҳаларда фаолият юритаётган эллиқдан зиёд компаниялари маҳсулотлари, шунингдек, олий ўқув юрталари, илмий-ишлаб чиқариш марказларининг инновацион технологиялари намойиш этилмоқда.

Президентлар экспозиция билан танишар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришда бундай кўргазмалар муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этдилар. Икки мамлакат иқтисодий тармоқлари ўртасида ҳамкорлик муносабатларининг кенгайиши ишлаб чиқариш жараёни такомиллашишига ва маҳсулотларининг янада оммавийлашишига хизмат қилишини таъкидладилар.

Ташрифнинг асосий тадбирлари Қўрсарой қароргоҳида бўлиб ўтди. Расмий кутуб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев тор доирада учрашув ўтказди.

Президентимиз Қозоғистон Президенти Ўзбекистон заминидан самимий қўллаб, Нурсултон Назарбоев-

нинг мазкур давлат ташрифи икки мамлакат муносабатларини янада ривожлантиришда тарихий воқеа эканини таъкидлади.

Бу ташрифни бизнинг узоқ муддатга мўлжалланган стратегик манфаатларимиз, олдимиздаги вазифаларни биргаликда ҳал қилишга бўлган интилишимиз муштарак эканининг яққол тасдиғи сифатида қабул қиламиз, деди Шавкат Мирзиёев. Бу йил Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатлари ривожидан тарихий йил бўлди. Биз Нурсултон Назарбоев билан шу йилнинг ўзидан олтинчи мартабада учрашмоқдамиз. Бу ўзаро ишонч юксак даражада эканидан далолатдир.

Қозоғистон Президенти Ўзбекистон Президентига таклиф учун миннатдорлик билдириб, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланиб бораётганини қайд этди.

Биз илдири бир халқимиз. Бутун тарих давомида бўлганидек мустақиллик йилларида ҳам бир-биримизни қўллаб-қувватлаганмиз, деди Нурсултон Назарбоев. Ўзбекистон Президентининг март ойидаги Қозоғистонга давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ривожидан янги босқични бошлаб берди. Ўтган қисқа вақтда икки томонлама алоқаларда илгари қузатилмаган юқори натижаларга эришилди. Мамлакатларимиз иқтисодий ёни бир-бирини тўлдирди. Қозоғистон Ўзбекистон билан ҳамкорликни барча соҳалар бўйича кенгайтиришга тайёр.

Дарҳақиқат, ўзбек ва қозоқ халқлари азалдан бир-бирига елкадош бўлиб, аҳил-иноқ яшаб келган. Халқларимизнинг тарихи, тили, маданияти, қадриятлари бир. Бу яқинлик бугунги кунда давлатлараро ҳамкорликка мустаҳкам асос бўлмоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик 1998 йил Тошкентда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Абдий дўстлик тўғрисидаги шартнома, 2013 йил пойтахтимизда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома руҳида тараққий этмоқда.

Икки томонлама ҳамкорлик барча соҳаларни қамраб олган. Парламентлар, вазирлик ва идоралар ўртасидаги алоқалар мунтазамлик касб этган.

Мамлакатларимиз БМТ, ШХТ, МДХ, Ислам ҳамкорлик ташкилоти, Оролни қўтқариш халқаро жамғармаси каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар бўйича томонларнинг позициялари бир-бирига мос ёки яқиндир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг очик ва прагматик сиёсати натижасида олий даражадаги мулоқотлар фаоллашди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 22-23 март кунлари Қозоғистонга давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтарди. Ташриф доирасида имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида 2017 — 2019 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик стратегияси савдо-иқтисодий алоқалар ривожига қўли суяб таъкидлади.

Мулоқотда Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлигининг бугунги ҳолати, уни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга мо-

лик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Музокаралар Ўзбекистон ва Қозоғистон расмий делегациялари иштирокида давом эттирилди. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорликни янада ривожлантириш, транспорт-коммуникация, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Қозоғистон Ўзбекистоннинг энг муҳим савдо-иқтисодий шерикларидан биридир. 2016 йил якунлари бўйича икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2 миллиард доллардан ошган. Жорий йилнинг январь — август ойларида савдо айланмаси 35 фоиз ўсган.

Президентлар бу кўрсаткич мамлакатларимизнинг улкан салоҳиятига мос эмаслиги, бунинг учун қўшма савдо юсларини ривожлантириш, ўзаро савдо номенклатурасини кенгайтириш зарурлигини қайд этдилар. Икки мамлакат бозорларида харидорлар маҳсулотларини етказиб бериш, худудлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, тadbirkorлик субъектлари учун қўлай шарт-шароитлар яратишга келишиб олинди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳўжатлар қўшма комиссияга товар айирбошлаш ҳажмини 5 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилди.

Транспорт коммуникациялари соҳаси ҳамкорлигининг устувор йўналишларидир. Мамлакатларимизнинг автомобиль ва темир йўллари ўзаро интеграциялашган. Бу муҳим коммуникация тармоғи учинчи давлатлар учун ҳам транзит вазифасини ўтамоқда. Музокараларда Ўзбекистон ва Қозоғистон худудларидан ташқи савдо юкларини ташинишга ўзаро преференциялар ва қўшимча имтиёзлар белгиланиши бу соҳадаги ҳамкорликни тўбдан кенгайтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Учрашувда халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, наркотикларнинг ноқонуний муомаласи бўлиши, трансмиллий уюшган жиноятчилик ҳамда халқаро хавфсизликка таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарларга қарши курашишдаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш зарурлиги қайд этилди.

Президентлар Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашар экан, ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорлик таъминланиши ва иқтисодий тикланиши хисобидан эканини таъкидладилар. Афғонистоннинг минтақавий савдо-иқтисодий алоқаларга жалб қилиш, бунинг учун инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш лозимлиги таъкидланди.

Марказий Осиёдаги трансчегаравий дарёлар суви халқларимизнинг умумий бойлиги экани, миллионлаб инсонлар тақдирини, бугун минтақа барқарорлиги ва фаровонлигини уллардан оқилона ва адолатли фойдаланишга боғлиқлиги қайд этилди.

Давлат раҳбарлари мазкур дарёларда янги гидротехник иншоотларни минтақани барча мамлакатлари манфаатларини хисобга оладиган конструктив ёндашув асосида қуриш тўғрисида яқил фикр билдирилди.

Илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, туризм, спорт ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ҳам келишувларга эришилди. Хусусан, 2018 йилда

Қозоғистонда Ўзбекистон йилини ва 2019 йилда Ўзбекистонда Қозоғистон йилини ўтказишга келишиб олинди.

Шундан сўнг икки томонлама ҳўжатларни имзолаш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Қўшма баёнотни имзолادилар.

Ўзбекистон — Қозоғистон ҳамкорлигининг турли соҳаларига доир 10 дан зиёд ҳўжат имзоланди. Давлат чегараларида ўтказиш пунктлари ва автомобиль йўллари реконструкция ва модернизация қилиш, сувга оид муносабатлар соҳасида ҳамкорлик, энергетика соҳасида ҳамкорлик, контрабанда ва божхона қўнунчилиги бузилишига қарши курашишда ҳамкорлик, темир йўл соҳасида стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги ҳўжатлар шулар жумласидандир.

Шунингдек, икки мамлакат худудларининг тўғридан-тўғри алоқаларига асос бўладиган қатор ҳўжатлар қабул қилинди. Сирдарё ва Тошкент вилояти ҳўкимликлари билан Жанубий Қозоғистон вилояти ҳўкимлиги, Навоий вилояти ҳўкимлиги билан Қизилўрда вилояти ҳўкимлиги ўртасида савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик тўғрисида меморандумлар ҳамда бошқа ҳўжатлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев музокаралар Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларига хос ўзаро аниқлашув ва самимий руҳида ўтгани, томонлар барча стратегик масалалар бўйича ҳамфикр эканини алоҳида таъкидладилар. Ташриф чоғида Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари ўртасида эришилган келишувлар, имзоланган ҳўжатлар мамлакатларимиз ҳамкорлигини янги сифат босқичга олиб чиқиши қайд этилди.

Қозоғистон Президентининг мамлакатимизга давлат ташрифи арасида Нурсултон Назарбоевнинг «ХИ аср бўсағасида» китоби Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сўзбошичи билан Ўзбек тилида чоп этилди. Давлатимиз раҳбари мазкур китобни Қозоғистон Президентига тўғра қилди. Шавкат Мирзиёев Нурсултон Назарбоевнинг мустақил Қозоғистон давлатининг асосчиси сифатидаги фойалигига юксак баҳо берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 15 сентябрдаги Фармонида мувофиқ, мамлакатларимиз ўртасидаги аниқлашув дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган улкан хиссаси учун Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев «Эл-юрт ҳўрмати» ордени билан муқофотланди. Давлатимиз раҳбари ушбу юксак муқофотни тантанали равишда топширди. Нурсултон Назарбоев ушбу муқофот ва ҳўрмат-эътибор учун Шавкат Мирзиёевга чуқур миннатдорлик билдириди.

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг мамлакатимизга давлат ташрифи давом этмоқда.

Анвар САМАДОВ,  
ЎЗА мухбири.

Сарвар ўРМОҢОВ олан сурат.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 18 — 20 сентябрь кунлари Америка Қўшма Штатларига ташриф буюради ва БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессияси умумий музокараларида нутқ сўзлайди.

Ўзбекистон Президенти Нью-Йорк шаҳрига ташрифи доирасида БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш, Халқаро валюта фонди раҳбарлари директори Кристин Лагард, Жаҳон банки гуруҳи президенти Жим Ён Ким ҳамда БМТ Бош Ассамблеяси ташриф буюрган бошқа давлат раҳбарлари билан учрашиб, музокаралар ўтказди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, кенг доирадаги Ўзбекистон — Америка бизнес-форумида иштирок этади. Бизнес-форум якунлари бўйича икки давлат етакчи фирми ва компаниялари раҳбарлари ўртасида савдо-иқтисодий, молиявий-сармоявий соҳаларда кўплаб икки томонлама ҳўжатлар имзоланиши кўтилмоқда.

## Ўзбекистон — БМТ: БАРҚАРОРЛИК, ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Хабар қилинганидек, 18 — 20 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессияси ишида иштирок этиш учун Нью-Йоркда бўлади.

рлар 19 сентябрда бошланади ҳамда 28 сентябрда қадар давом этади. 72-сессия "Диққат марказида инсонлар: барқарор сайёрада ҳамма учун тинчлик ва муносиб ҳаётга интилиш" шiori остида ўтади.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

### НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш, таълимнинг юқори сифатини таъминлашда давлат ва нодавлат таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш, шунингдек, нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги юридик шахслар учун қўлай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳўкимликларининг 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб юридик шахслар томонидан мулкчилик ва ташкилий-ҳўқуқий шаклларида қатъи назар, нодавлат таълим хизматлари кўрсатиши лицензия асосида амалга ошириш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантиришнинг асосий йўналиши ва вазифаларини этиб қўйидагилар белгилансин:

иктидорли болалар ва истеъдодли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш орқали таълим-тарбиянинг юқори сифатини таъминлайдиган қўлай шарт-шароитлар яратиш; соғлом рақобат муҳитини шакллантириш учун аниқлаш таълим хизматлари билан бир қаторда, сифатли ва оммабоп таълим олиншининг муқобил имкониятларини яратадиган пуллик таълим хизматлари кўрсатиш бозорини жадал ривожлантириш;

илгор халқаро тажрибаларни инобатга олиб, ўқитишнинг инновацион педагогик шакллари, услублари ҳамда замонавий технологиялардан фойдаланиш асосида таълим соҳасидаги самарадорлик ва натижавийлигини ошириш.

3. Белгилансинки, нодавлат таъ-

лим хизматлари фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар:

Ўз фаолиятини давлат таълим стандартлари ва талаблари асосида амалга оширади;

амалдаги меъерий-ҳўқуқий ҳўжатларга қатъий риоя қилган ҳолда, юқори малакали педагог ва бошқа кадрлар билан таъминлаш, таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш чораларини кўради;

ўқитиш муддати ва шартлари, тўлов миқдори, томонларнинг ҳўқуқ ва мажбуриятлари ҳамда бошқа шартлар белгиланган шартномага мувофиқ, таълим олувчиларнинг ота-оналари ёки бошқа қўнуний вакиллари билан ўзаро муносабат ўрнатади;

Ўз фаолиятини аҳолига пуллик таълим хизматларини кўрсатиш, хайрия фондлари ва грантлардан келиб тушган маблағлар, шунингдек, қўнунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар хисобидан молиялаштиради;

битирувчиларга давлат намуна-

сидаги таълим тўғрисидаги ҳўжат беради.

4. Мақтабгача ва умумий ўрта таълим соҳасида нодавлат таълим хизматларини кўрсатадиган юридик шахслар ижтимоий ҳўмоёга муҳтож оилаларнинг қўбилитли ва иқтидорли фарзандларини танлов асосида муассасаларга жами ўқувчилар умумий сонининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда таълим хизматларини кўрсатиш эвазига келиб тушган даромадлар хисобидан бепул (грант асосида) ўқишга қабул қилиши белгиланган бўлиши қўйилсин. Кейинги йилларда ўқувчиларни бепул (грант асосида) ўқитишни давом эттириш бўйича қарор нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахс томонидан таълим олувчининг оилавий шароити ва унинг академик натижаларидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

5. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитати Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда аҳолига нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларга давлат мулки бўлган фойдаланилмаётган бино, объектлар ва иншоотларни давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида ўрнатилган тартибда сотишни ташкил этсин.

6. Нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларга илгор хорижий тажрибаларни инobatга олган ҳолда, қуйидагилар тавсия қилинсин: таълим жараёнини ўқитишнинг энг замонавий технологияларида фойдаланган ҳолда, фанларни чуқурлаштириб ўргатиш йўналишида ташкил этиш;

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда 2018/2019 ўқув йили бошлангунга қадар ҳар бир туман (шаҳар)да давлат рўйхатидан ўтказиш тартибига риоя қилган ҳолда, мактабгача ва умумий ўрта таълим соҳасида нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан

шуғулланадиган камида биттадан юридик шахсни ташкил этиш чораларини кўрсин.

8. Мактабгача ва умумий ўрта таълим соҳасида нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслар 2021 йил 1 январьгача бўлган мuddатда қуйидаги тўловлардан озод қилинсин:

барча турдаги солиқ ва давлат мақсадли жамғармасига мажбурий тўловлардан (ягона ижтимоий тўловдан ташқари), бунда озод қилинаётган маблағлар уларни замонавий ўқув воситалари билан жиҳозлаш, зарур маҳсулотлар ва жиҳозлар сотиб олиш, бино ва иншоотларни реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга бепул таълим хизматларини кўрсатишга мақсадли йўналтирилади;

меҳнат шартномаси асосида таълим-тарбия жараёнига жалб қилинган хорижий ўқитувчи ва мутахассисларнинг ойлик иш ҳақидан ягона ижтимоий тўлов.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси заруратдан келиб чиқиб, мактабгача ва умумий ўрта таълим соҳасида нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган янги ўқув асбоб-ускуналар ва ўқув материалларини республикани олиб киришда (божхона ҳужжатларини расмийлаштириш учун тўловлар бундан мустасно) божхона тўловларидан озод этиш ва уларнинг рўйхатини тасдиқлашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини ўрнатилган тартибда киритсин.

10. Белгиланган қўйилсинки, юридик шахслар томонидан нодавлат таълим хизматларини кўрсатишда:

чет эллик ўқитувчи ва мутахассислар жисмоний шахсларга солинадиган даромад солиғи ва Ўзбекистон Республикаси

Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратилмайдиган тўловлардан тузилган меҳнат шартномаси доирасида озод қилинади;

чет эллик ўқитувчи ва мутахассисларга икки томонлама авиачипталарни харид қилиш билан боғлиқ харажатлар (узқ мuddатли меҳнат шартномаси асосида — бир йилда икки мартадан ошмаган ҳолда) иш берувчи томонидан қопланиши мумкин;

чет эллик ўқитувчи ва мутахассисларнинг яшаш жойи учун тўловлар қисқа мuddатли меҳнат шартномаларига асосан (бир ойдан кўп бўлмаган мuddатга) иш берувчилар томонидан амалга оширилади, узқ мuddатли меҳнат шартномалари доирасида уларнинг яшаш жойи учун тўловлар шартнома шартларига мувофиқ иш ҳақи билан биргаликда тўлаб берилади.

11. Тижорат банкларига мактабгача ва умумий ўрта таълим соҳасида нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахсларга бошланғич маблағи шакллантириш, бино ва иншоотларни сотиб олиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, замонавий ўқув жиҳозлари ва ўқитиш воситаларини сотиб олиш учун 5 йилдан кам бўлмаган мuddатга, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасининг ошмайдиغان ставкада имтиёзли кредитлар ажратиш тавсия этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига тегишли вазирлик ва идоралар буюртмаларига асосан, нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслар томонидан ишга тақлиф қилинаётган хорижий ўқитувчи ва мутахассисларнинг кириш визаларини ўрнатилган тартибда консуллик ва бошқа тўловларни ундирмаган ҳолда расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси икки

ой мuddатда қуйидагиларни белгилайдиган ҳукумат қарорини қабул қилсин:

нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шерикчилик самарали механизмларини жорий этиш; илгор хорижий тажрибаларни инobatга олган ҳолда, нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва ташкилий-ҳуқуқий шакллари тақомиллаштириш; нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш билан шуғулланадиган юридик шахслар фаолиятини назорат қилиш механизмлари;

нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолиятига лицензия бериш тартиби ҳақидаги Низомни тасдиқлаш.

14. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасига тақлифлар киритсин; ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Н. Юнусходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Ш. МИРЗИЁЕВ  
Президенти

Тошкент шаҳри,  
2017 йил 15 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Мустақиллик йилларида таълим соҳасида ёшларга замонавий билимларни бериш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашга қаратилган тўб ўзгаришлар ва ислохотлар амалга оширилди.

Хусусан, умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, интеллектуал, эстетик ва жисмоний баркамол авлодни шакллантиришни ҳамда ёшларга таълим беришни янги сифат даражасига кўтариш, шу жумладан, чет тиллари, информатика ҳамда математика, физика, кимё, биология каби муҳим ва талаб юқори бўлган бошқа фанларни чуқурлаштириб ўргатиш 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувори йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг асосий мақсадларидан бири сифатида белгиланган.

Хорижий тажрибалар давлат ва нодавлат таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат фўқароларини сифатли таълим олишга бўлган ҳуқуқини рўйбага чиқаришга хизмат қилишини кўрсатмоқда.

Шунинг учун ҳам бир қатор ривожланган

хорижий мамлакатларда нодавлат таълим секторининг умумий ўрта таълимдаги улуши салмоқли бўлиб, Германияда 12 фоизни, Францияда 17 фоизни, АКШда 18 фоизни, Буюк Британияда 20 фоизни, Испания, Ирландия ва Голландияда 30 фоизни ташкил этади.

Хозирги кунда республикада 43 та нодавлат умумий ўрта таълим мактаби тегишли лицензияга эга бўлиб, халқ таълими тизимидаги 9680 та мактабга нисбатан уларнинг улуши 0,4 фоизни ташкил этади. Нодавлат умумий ўрта таълим мактабларининг аксарият қисми (27 та) Тошкент шаҳрида жойлашган, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Сирдарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида бирорта нодавлат мактаби ташкил этилган.

Фаолият кўрсатаётган нодавлат таълим муассасаларидан 20 таси бошланғич таълим (1 — 4-синфлар), қолган 23 таси умумий ўрта таълим (1 — 9-синфлар) бошқачларига мўлжалланган, улардаги 330 та синфда 6 мингга яқин ўқувчилар таълим-тарбия олади (давлат мактаблари контингентига нисбатан 0,12 фоиз). ЮНЕСКО ва "DGP Research & Consulting"

консалтинг ташкилоти ҳамкорлигида жалб этилган хорижий экспертлар гуруҳи томонидан миллий таълим тизимини комплекс ўрганиш бўйича ўтказилган таҳлилларда таълим сифатини яхшилашда рақобат муҳитини шакллантириш, бунда хусусий таълим секторини ривожлантиришга устувор йўналиш сифатида эътибор қаратиш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Мавжуд муаммоларни амалий бартараф қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан нодавлат таълим муассасаларига узқ мuddатли имтиёзли кредитлар ажратиш ва аввал ажратилган кредитлар мuddатини яхшийтириш, таълим ҳамда унга тегишли хизматлар бўйича барча солиқ турлари тўловларидан 2021 йилгача озод этиш, фанларни чет тилда чуқурлаштириб ўқитиш ва бу орқали таълим сифатини ошириш мақсадида таълим жараёнига хорижий ўқитувчи ҳамда мутахассисларни кенг жалб қилиш назарда тутилган.

рор ривожланиш мақсадлари ҳамда 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш Кўн тартибининг муштарак жиҳатлари кўп. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш учун асос бўлиши мумкин.

Ўзбекистон БМТдаги аъзолигининг чорак асри давомида қатор йирик халқаро ташаббусларни илгари сурди. Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли худуд барпо қилиш, афрон можаросини БМТ шафелигида тинч музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этиш, Орал денгизи қуришининг салбий оқибатларига барҳам бериш ҳамда Оролбўйида экотизим инкрузини бартараф қилиш ташаббуслари бутун дунёда ўз эътиродини топди.

Шу ўринда 2010 йилнинг апрелида БМТ Бош қотиби Пан Ги Муннинг мамлакатимизга буюрган таширифи чоғида Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ ва ШХТ Қотибдилари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларация имзолангани ҳам ёдга олиш ўринли бўлади. Шу тарика икки бирлашманнинг расмий ҳамкорлиги бошланди.

Муктасар айтганда, Ўзбекистоннинг БМТ минбаридан туриб илгари сурган ташаббуслари замонавий дунёнинг бунунги реалликларига тўла жавоб беради. Шу боисдан ҳам улар жаҳонда ўзининг амалий ифодасини топмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуғаниевич Қаримовнинг хотирасига ҳурмат баҳо келтириш БМТ Бош Ассамблеясининг 71-сессияси кўн тартибига асосий бандлардан бири сифатида киритилгани Ислам Қаримов нафақат мамлакатимизда, балки минтақамиз ҳамда жаҳонда тинчлик ва барқарорликнинг таъминланишига улкан ҳисса қўшганининг тасдиғи бўлди.

Умуман олганда, ишонч билан айтиш мумкинки, халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг нудузини ошириш ҳамда унинг салоҳиятини мустаҳкамлашга, Ташкилот Низомида белгиланган вазифаларини амалга оширилишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Самарали ҳамкорликнинг 25 йили давомида орттирилган қимматли тажриба эса БМТнинг энг муҳим ҳужжатларида акс этган юксак мақсадларга эришилишига хизмат қилиши муқарар.

Д. АТАХОНОВА.  
«Жаҳон» АА.

Ўзбекистон элчиси Бельгияликлар Қиролига ишонч ёрлиқларини топширди

2017 йил 13 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг Бельгиядаги Факултода ва мухтор элчиси эгитб тайинланган Дилёр Жаҳимов Бельгияликлар Қироли Филиппга ишонч ёрлиқларини топширди.

Бўлиб ўтган мулоқот чоғида Бельгияликлар Қироли Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатдаги иқтисодий, суд-ҳуқуқ ҳамда молиявий тизимини либераллаштириш бўйича саъй-ҳаракатларини юқори баҳолади.

Шунингдек, Қирол Филипп ўзининг 1991 йили Ўзбекистонга таширифини ҳам мамнуният билан ёдга олди. Ушанда

Бельгияликлар Қироли мамлакатимиз ва унинг бую тарихий-маданий мероси билан танишган эди. У Ўзбекистон тарих ҳамда замонавийлик узвий ўй-ғун бўлган ўлка сифатида ўз хотирасида қолажагини таъкидлади.

«Жаҳон» АА.  
Брюссель

ЎЗБЕКИСТОН — ҚОЗОҒИСТОН БИЗНЕС-ФОРУМИ

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг мамлакатимизга давлат таширифи доирасида Тошкент шаҳрида 16 сентябрь куни Ўзбекистон ва Қозоғистон ишбилармонлари-нинг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, банк-молия, ёқилиш-энергетика, авиатасиш, автомобилсозлик, қишлоқ ва сув ҳўжалиғи, қурилиш, тоғ-кўн саноати, озиқ-овқат, кимё, энгил саноат, тўқимачилик, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш, транспорт ҳамда транспорт коммуникациялари, логистика, суғурта, экспорт-импорт, алоқа, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, сайёҳлик ҳамда фан-таълим каби соҳалар учун маъсўл вазирлик ва идоралари, компания ҳамда концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик йилги ривожланиш бораётгани, мазкур бизнес-форум савдо-иқтисодий, сармоявий ва ижтимоий соҳалардаги алоқаларни янги босқинга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Ўзбекистондан қўшни мамлакатта табиий газ, автомобиллар, транспорт воситалари, минерал ўйитлар, тўқимачилик, электр энергияси, мевасабзавот маҳсулотлари, қурилиш материаллари ва бошқа турдаги товар ҳамда маҳсулотлар етказиб беришмоқда. Қозоғистонда мамлакатимизга газ нефть ва нефть маҳсулотлари, металл, ўн, ёғ олиб қилишмоқда. Ўзбекистонда қозоғистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 230 га яқин корхоналар, Қозоғистонда мамлакатимиз тадбиркорлари билан биргаликда тузилган 130 дан зиёд корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилда Қозоғистоннинг «AllurGroup» автотранспорт воситаларини ишлаб чиқарувчи мил-

— Бугун Ўзбекистон заминида етиштирилган мевасабзавотларнинг доруғи дунёга тобора кенгрок таралмоқда, — дейди «Союзплодоовощ» халқаро уюмчаси президенти Қазибек Маткеримов. — Бунда мамлакатнинг раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиғини диверсификация қилиш, мевасабзавот экспортини ҳар томонлама кўллаб-қувватлашга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг ўрни алоҳида бўлаётганини қайд этиш лозим. Бизнесинг бугун Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини кўллаб-қувватлаш жамғармаси билан юртингизда етиштирилган мевасабзавот маҳсулотларини Қозоғистон бозорларига етказиб бериш бўйича келишувга эришимиз ҳам мамлакатнингиздаги ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича амалга оширилган ишларнинг амалий ифодаси, дейиш мумкин.

Экспертларнинг фикрича, икки мамлакат ўртасидаги тобора айланмасини камида икки баробар ошириш имконияти мавжуд. Мазкур жараёни тезлаштиришнинг самарали усули эса икки мамлакат ишбилармонлари ва бошқа манфаатдор томонлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашда қўшма тадбирларни амалга оширишдир.

Бизнес-форум давомида иштирокчилар ўзаро манфаатдорликнинг турли соҳаларида ҳамкорликни йўлга қўйиш истиқболларини муҳокама қилди, янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ қатор масалалар, жумладан, уларнинг асосий параметрлари ва молиялаштириш манбалари қўриб чиқилди.

Б. БОЗОРОВ,  
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон — БМТ: БАРҚАРОРЛИК, ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

◀(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистонга умумбашарий тинчлик ҳамда хавфсизликни, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммолари ҳал қилинишини ва атроф-муҳит муҳофазасини кўллаб-қувватлайдиган универсал халқаро тизим сифатида қарайди. Бундан ташқари, БМТга аъзолик мамлакатимизга дунёнинг глобал даражадаги кўн тартибиде янада фаол қатнашиш, тинчлик, тараққиёт ҳамда ҳамкорлик мақсадларини илгари сурши, замонавийнинг жаҳон ва минтақа аҳамиятига молик қатор мураккаб муаммоларини ҳал этиш имконини беради.

Ўзбекистоннинг тинчликсевар ташқи сиёсати, унинг баҳам ҳамда қарама-қаршилиқлар дипломатия йўли билан ҳал қилинишини кўзлаши БМТ фаолияти билан ҳамохандир. Ўзбекистоннинг Ташқи сиёсий фаолият Концепциясидаги асосий вазифалардан бирини амалга ошириш, яъни Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, минтақани хавфсизлик ва барқарор ривожланиш ҳудудига айлантириш юзасидан давлатимиз қабул қилаётган чора-тадбирлар БМТ томонидан юқори баҳоланмоқда.

БМТ Бош қотиби Антониу Гутерришнинг жорий йил 10 июнь кўни мамлакатимизга буюрган таширифи Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ўзаро муносабатларида муҳим воқеа бўлди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Антониу Гутерриш билан Самарқандда бўлиб ўтган учрашуви ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш юзасидан томонларнинг самийий интилиши ҳамда ўзаро манфаатдорлигини яққол намойён этди. Шу билан бирга, таршиф чоғида юқори мартабали меҳмон мамлакатимизда кечавтган ўзгаришларнинг бориши, Орал денгизи ва унинг акваториясида экологик вазиятни барқарорлаштириш бўйича

амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Антониу Гутерриш Ташкилотнинг собиқ Бош қотиби Пан Ги Мун каби Оролбўйи ҳудудиде бўлиб, бир пайтлар гуллаб-яшнаган минтақа қандай аҳолига тушиши мумкинлигиндан ҳайратланди. Мўйноқда одамлар билан учрашар экан, БМТ Бош қотиби мавжуд масалаларга тезда ҳал қилиниши зарурлигини таъкидлади. Шу ўринда қайд этиш жоизки, БМТ Амударё ҳамда Сирдарё бўйича иккита конвенция лойиҳаларини тарқатди. Улар минтақа мамлакатлари ўртасида сув соҳасидаги конструктив ҳамкорлик учун ҳуқуқий асосларни яратди. Ўзбекистон томони бундай ташаббусларни кўллаб-қувватлайди ва мазкур ҳужжатлар бўйича музокаралар жараёнида қатнашишга тайёрдир.

Мустақил ривожланишнинг 26 йил давомида Ўзбекистон мамлакат ҳаётининг барча баҳасини қамраб олган кўн гуллами ўзгаришларнинг самарадорлиғи боис жаҳон майдониде ҳақли равишда обрў-эътибор қозонди. Хусусан, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳаларни тубдан ислох қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қўйган сиёсат Бирлашган Миллатлар Ташкилотида юқори баҳоланмоқда. Хозирги шароитда ҳуқуқий давлат барпо этиш ҳамда фўқаролик жамиятини шакллантириш, диний қадриятларни қайта тиклаш, ёшларни бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилиш борасида мамлакатимиз орттирган тажрибага замонавий дунёда жуда катта эътиҳ мавжуд.

Бу фикрни қуйидаги далиллар ҳам тасдиқлайди: Ўзбекистонда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йиллидаги Ҳаракатлар стратегиясининг ижроси бўйича Давлат дастурининг амалга оширилиши, ижтимоий барқарорликни таъминлаш, ислом динининг тўб моҳияти ҳамда мазмунини сақлаш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати қўйган чора-тадбирлар, Ўзбекистонда фўқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла

# Хуқуқий ахборот ўз вақтида, муфассал ва очик етказилади

Қонун ва адолат устуворлиги инсон ҳуқуқларини, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самардорлигини таъминлашнинг муҳим шарт саналади. Бу тамойиллар ҳаётда ўз ибодтини топиши, давлат ҳамда жамиятнинг ҳар томонлама ривожланиши, пировардида халқимизнинг бугунги кундан рози бўлиб яшаши учун биринчи навбатда қонунлар амалда ишлаши, бекаму кўст этилиши лозим.

## ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

Бироқ айни чоғда фуқаро-ларимизнинг қонунларга ҳурмат ва итоаткорлик ҳисси билан яшаши, жамиятимиздаги ҳуқуқий маданият даражасидан ҳар доим ҳам кўнглимиз тўлавермайди. Бинобарин, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида турли ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятларни содир этиш ҳолатлари учраётгани, коррупция, бюрократия каби иллатлар тағтомири билан барҳам топмаётгани маънавий-ахлоқий омиллар баробарида, қонунларни билмаслик ва писанд қилмаслик, ҳуқуқий тафаккурнинг пастлиги билан боғлиқлиги ҳам яхши маълум.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Конституциянинг 24 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда қонунларни қабул қилиш, бу — ишнинг бир қисми эканини, ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга, масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ишлари талаб даражасида эмаслигини таъкидлаб, жумладан, шундай деган эди: "Энди ўйлаб кўрайлик, қонунчиликка киритилган янгиликлар ўз вақ-

тида жойларга, айниқса, ижро-чиларга етказилмайдиган бўлса, уларнинг бажарилиши ҳақида нима дейиш мумкин? Бу муам-мона самарали ҳал қилишнинг бирдан-бир йўли — қонунлар иж-росини ташкил этиш бўйича со-атдек аниқ ишлайдиган механизм яратишдир".

Чиндан ҳам, қонунлар иж-росида бўлиш билмаслиги учун уларнинг мазмун-моҳиятини, янги қабул қилинган ёки ўзгар-тиш ва қўшимчалар киритилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда-ги мақсад ҳамда талабларни кенг жамоатчиликка тизимли равиш-да етказиб бориш тақозо этила-ди. Шу йилнинг 7 сентябрийдан эътиборан кучга кирган "Хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланиш тизимини таъминлаш тўғ-рида"ги Ўзбекистон Республика-си Қонуни мазкур йўналишдаги ишларни принципал жиҳатдан самарали ёндашув асосида тар-тибга солиши билан долзарб аҳамият касб этади.

Шу ўринда савол туғилади: хўш, ҳозирги кунга қадар мам-лакатимизда ҳуқуқий ахборот тарқатиш тизими қай аҳволда

эдию, янги Қонун тизимга қан-дай ўзгаришларни ҳамда нати-жадорлиқни олиб киради?!

Тўғри, ўтган йилларда юри-тимизда норматив-ҳуқуқий ҳуж-жатларни тарқатишнинг тегишли ташкилий-ҳуқуқий ва институ-циявий базаси яратилди. Қонун ҳужжатларини нашр қилиш, улар-нинг матнларини ахборот ресур-слари, хусусан, Ўзбекистон Рес-публикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига жойлаштириб бориш йўлга қўйилди. Ўзбек ва рус тиллари-да 30 миңдан ортиқ қонун ҳуж-жатларини ўзида жамлаган ушбу базага ҳар кун миңлаб фойда-ланувчилар мурожаат этишга қў-руқий ахборотга эҳтиёж катта эканидан далолат беради. Шун-дай шартда, юқорида таъкид-лаб ўтганимиздек, қонун ҳуж-жатларини тарқатишда тизимли кам-чиликлар ҳам бор эдики, улар ин-сон манфаатларига йўналтирил-ган жадал суратдаги ислохот-ларга салбий таъсир қўриб, баъ-зан гов бўлиб келганини яши-риниш ҳолати йўқ.

Президентимизнинг жорий йил 8 февралда имзоланган "Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллашти-риш чора-тадбирлари тўғриси-да"ги қароридан ана шу камчи-ликларни узиш-кесил баргараф қилиш, жамиятни ҳуқуқий ах-борот билан таъминлаш сифати ҳамда самардорлигини ошириш мақсадида муҳим вазифалар ил-гари сурилди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, уларга киритилган

ўзгариш ва қўшимчаларни иж-рочиларга ўз вақтида етказиш, моҳияти ҳамда аҳамиятини ту-шунтириш, шунингдек, тегишли қонун ҳужжатлари матнidan мо-неликсиз фойдаланиш имкони-ни яратиш, давлат ва ҳўжалек бошқаруви органлари ўз тарки-бий ҳамда худудий бўлиналари-да қонун ҳужжатлари норма-ларининг бир хилда қўлланили-ши устидан доимий назоратни амалга ошириши шулар сираси-дандир. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига тақдим қилинаётган қонун лойиҳалари матнларига уларнинг ижросини, ижрочиларга етказиш, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини ташкил этишга масъул бўлган давлат органлари киритилган бўлди.

"Хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланиш тизим-лаш тўғрисида"ги Қонунда ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ҳамда ундан фойдаланишни таъ-минлашнинг асосий принцип-лари, фойдаланиш қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳамда маҳал-лий ҳокимият органларининг ушбу соҳадаги вазифалари, таъ-лим муассасаларининг, фуқаро-ларнинг ўзини ўзи бошқариш, нодавлат ношароит институт-лари ва аҳоли иштирокида доир нормалар белгилаб берилди. Ху-суosan, ҳуқуқий ахборот, ундан фойдаланиш ҳамда уни тарқатиш тушунчалари мазмуни аниқ ифо-даланди.

Қонунга кўра, ҳуқуқий ах-боротдан фойдаланиш давлат то-монидан қаролланган. Ҳар бир фуқаро ҳуқуқий ахборотни ҳеч бир монеликсиз излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқи-га эга. Давлат органлари, бошқа ташкилотлар ҳамда мансабдор шахслар ҳар қимга ҳуқуқий ах-боротдан фойдаланиш имкони-ятини белгиланган тартибда яратиши шарт экани яна бир эътиборли жиҳатдир.

Албатта, айни соҳадаги халқ-аро амалиёт билан танишиб, Конституциямиз тамойиллари ва меъёрларига, қолаверса, қонун-чилик техникиси талабларига мос равишда ишлаб чиқилган, қизгин муҳокамалар ҳамда ўл-ган-қиринган асосида қабул қилин-ган мазкур Қонун эңдиликда ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси сўзсиз ва ўз вақтида таъмин-лашига замин яратади. Қонун-чилигимиздаги ўзгариш ҳамда янгилинишлардан фуқаролар-нинг хабардорлигини изчил ошириб боришга, барча жаба-да қонун устуворлигини, қонун-ийликни қарорлатишга хизмат қилади. Буларнинг барчаси 2017 — 2021 йилларда Ўзбек-истон Республикасининг ривож-лантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган улғвор мақсадларга ҳамоҳанг ва уйғундир.

**Камилла КАВЛАНОВА,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**

# Бошқарувнинг илғор усуллари жорий этилади

Бугунги кунда мамлакатимизда кенг қамровли ислохотлар янгича ёндашув ва шиддат билан олиб борилмақда. Мазкур жараёнда давлат ҳокимияти органларининг, энг аввало, халқ манфаатлари йўлида хизмат қилиши кучайтирилди. Шунингдек, улар фаолиятининг очиклиги, аҳоли ҳамда депутатлар олдида ҳисобдорлиги тартибли жорий этилди.

## ДЕПУТАТ ФИКРИ

Шунга қарамай, ушбу йўна-лишда қабул қилинаётган қонунлар ва қарорлар сифати, уларнинг ҳаётга татбиқ этили-ши ҳолати бўйича сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланмаёт-ти. Бу давлат ҳокимияти идо-ралари фаолиятининг ташкил-ий-ҳуқуқий асослари изчил эмаслиги, давлат функциялари марказлашиб қолгани, айрим раҳбарларда масъулият ҳамда ташаббускорликнинг лозим да-ражада етмаслиги каби му-аммоларни вужудга келтираёт-ганиди.

Президентимизнинг яқинда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фар-мони бу борада янги сифат босқичини бошлаб берди. Бинобарин, давлат ва жамият бошқаруви тизимини замон талабларини асосида такомил-лаштириш, айнан бошқарув со-ҳасини тубдан ислох этиш бил-ан боғлиқ кенг қўламли ҳамда мураккаб вазифа ўз вақтида бажарилмас экан, мансаб су-истеъмолиги, коррупция каби тараққийт иддизига болта урв-чи омиллар "шайба" беради.

Шу ўринда мазкур ҳужжат қабул қилинишининг асосий омилларига эътибор қаратиш зарур. Энг аввало, бошқарув тизими ривожланишининг бугун-ги босқичи, ислохотларнинг шиддати ва замон талабларидан бир оз орта қолаётгани, топшириқларни қўйиш қўйим-қиссининг шаклланиши натижаси-да айрим жойларда ўзибулар-чилик кайфиятининг пайдо бўлгани, қўйиб қолган эскича қараш, ҳар бир янгиликка қорғозда ҳисобот тайёрлашга асосланган бир хиллик ҳолат-лари мавжудлиги мазкур Фар-моннинг қабул қилинишига омил бўлди, десак, асло му-болага эмас.

Хўлоқчи, тараққийтнинг бу-гунги босқичи, ички ҳамда ташқи сиёсат моҳияти ва жа-ҳонда рўй бераётган жараён-лар мунгазам равишда руҳан уйғоқлигини, рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан ўз вақти-да огоҳ бўлишни, давлат ҳамда халқ манфаатларидан келиб чи-киб, тўғри ҳулоса чиқариш ва бошқарувнинг энг илғор усул-лари асосида оқилона қарор қабул қилиниши талаб этмоқда. Шу нукта назардан, давлатим-из раҳбарининг мазкур Фар-мони давлат бошқарувини мо-дернизациялаш ҳамда бу ул-кан вазифани ўз вақтида ба-жариш борасида жуда муҳим тарқий ҳужжат сифатида эъти-рофга лойиқдир.

Айни пайтда Фармоннинг амалиётга татбиқ қилиниши мамлакатимиз ҳаётига қандай ижобий ўзгаришлар олиб келади, деган савол туғилиши табиий.

Айтиш жоизки, Фармонга мувофиқ, ижро этувчи ҳоким-

ат органлари, фаолияти энг замонавий усуллар асосида тубдан қайта қўриб чиқилади. Фуқаролар мурожаатлари билан ишлашнинг янги ва самарали воситалари қўлланила бошлайди. Ижро ҳокимияти органларининг вазифалари, уларни амалга ошириш ме-ханизмлари ҳамда жавабгарлик соҳаси аниқлаштирилади. Пировадиди муайян дастурлар-ни шакллантиришдан тортиб, ижросига бўлган жараёнда, энг аввало, маҳаллий ҳоким-ият органлари асосий ташаббус-кор бўлади. Бу эса жойларда-ги муаммо ва масалаларни ҳал қилишда янада яққолроқ акс эттириши, уларнинг ечими самардорлигини оширишни таъминлайди. Бундан қўринад-дики, аҳоли вакиллари раҳбар-лар фаолиятини баҳолашда бе-восита рўйбга чиқарилган ба-ҳолашлардан хабардор ўзгаришлардан хабардор бўлиш ҳолда, ўз қарашлар-ни баён қилиш имконига эга бўлади.

Шунингдек, бошқарувнинг бозор механизми жорий эти-лади. Янги давлатнинг айрим функциялари хусусий секторга ўтказилади. Бу эса рақобатни ривожлантириш орқали қў-рсатилган хизматлар сифати-га ижобий таъсир қилади. Қолаверса, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мо-лявий имкониятлари, уларга масъул шахсларни қўйиш ти-зимини, давлат бошқарувига стратегик режалаштиришда замонавий шакллари, инно-вация қўйиш, ишланма ҳамда технологияларни жорий этиш, давлат хизматларини адолат-ли рағбатлантириш орқали уларнинг иш самардорлиги ва масъулиятини юксалтириш бо-расида ҳам аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Фармоннинг мазмун-моҳия-тини жойларда кенг тарғиб қилиш, сайловчиларга тушун-дириш, соҳага доир қонун-ликни такомиллаштиришда фол бўлиш биз, депутатлар зиммасига катта масъулият оқ-лайди. Зеро, демократик ис-лохотлар моҳияти эътиборига кўра, давлат ва жамият учун муҳим бурилиш ҳисобланади. Бунга тўғри ангаган ҳолда, бар-ча даражадаги давлат бошқа-руви ҳамда вакиллик органла-ри масъуллари, умуман, ҳар бир фуқаро Фармонда кўзда тутилган вазифаларни сидқи-дийдан бажариши мақсадга му-вофиқдир.

Мазкур Концепциядаги ус-тувор голларнинг амалга оши-рилиши, шуҳисиз, давлат, жа-мият ва фуқароларнинг демо-кратик йўлдаги эзгу мақсадлар атрофида бирлаштиради.

**Зулайхо АКРАМОВА,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий Мажлиси Қонунчилик**  
**палатаси депутати.**

# Пойтахтимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим тадбир

2017 йил 24 декабрь куни Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказилади.

Миллий матбуот марказида Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Комиссия Раиси М. Абдусаломов бошқарган, комиссия аъзолари, сиёсий партиялар, пойтахт ҳокимлиги, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вакиллари қатнашган мажлисда "Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида"ги қарор қабул қилинди.

## ЖАРАЁН

Унга мувофиқ, Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгаш-ларига сайлов 2017 йил 24 декабрь куни ўтказилади. Ушбу ижтимоий-сиёсий жараёнинг муҳим омилли ҳисобланган сайлов кампанияси жорий йилнинг 23 сентябрийдан бошланади.

Шу куннинг ўзида матбуот анж-умани ҳам ташкил этилди.

Таъкидланганидек, мамлаката-мизда ижтимоий-иқтисодий ислохот-лар самардорлигини ошириш, ин-новацияларни таъминлашга қара-тилган қонун ҳужжатларининг, дав-лат дастурларининг ижроси юзаси-дан парламент назоратини муста-хкамлаш вакиллик органлари, депу-татлар фаолиятини сифат жиҳати-дан янги босқичга кўтаришни тақо-зо қилади. Давлатимиз раҳбари то-монидан илгари сурилган тақлиф ва голлар асосида пойтахтимиздаги мавжуд 11 туманда халқ депутат-лари Кенгашлари тузилиши туманлар ҳисобидан маҳаллий бюджетларни, худудий ривожлантиришнинг истиқ-болли дастурларини қўриб чиқиш ҳамда қабул қилиш, уларнинг иж-росини ўрганиш, Кенгашлар сессия-сида маҳаллий давлат органлари

раҳбарларининг фаолияти тўғриси-даги ҳисоботлари ҳамда ахборотла-рини тинглов, фуқароларнинг қонун-ий манфаатлари билан боғлиқ ма-салаларни ўз вақолатлари доираси-да ҳал этиш имконини беради. Уму-ман, Тошкент шаҳри туманларида аҳолини ўйлантираётган муаммо ва камчиликларга ечим топиб, барча жабада қонун устуворлиги ҳамда қонунийликни қарорлатишда жамо-атчилик роли ошади.

2017 йилнинг 29 августда қабул қилинган "Тошкент шаҳар халқ де-путатлари туман Кенгашларига сай-лов тўғрисида"ги Қонун шу нуктаи назардан долзарб аҳамият касб эта-ди. Қонунга кўра, жорий йил де-кабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яшанбасида Тошкент ша-ҳар халқ депутатлари туман Кенгаш-ларига сайлов бўлиб ўтади. Мазкур муҳим тадбирга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ иш-лар жойларда ташкил қилинадиган сайлов комиссиялари томонидан миллий қонунчилигимизга, халқро умумэтироф этилган тамойил ҳамда меъёрларга мос равишда ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг "Тошкент

шаҳрида халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига биноан олиб борилади.

Туман сайлов комиссиялари ўз фаолиятини мустақил ҳолда амал-га оширади. Ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларнинг улар ишига аралашушига йўл қўйилмай-ди. Дарвоқе, сайланган депутатлар ўз вақолатларини 2019 йилда мамлакатимизда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига ўтказиладиган навбатдаги сайлов-га аамалга оширади. Ҳар бир сайлов округига сиёсий партиялар билан бирга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам депутатликка номзод тавсия этиши белгиланган.

Матбуот анжуманида округ ҳамда участка сайлов комиссияла-ри ишини ташкил қилиш, депутат-ликка номзодлар кўрсатиш тарти-би, сайловолди ташвиқоти, манфа-атдор ташкилотлар қўзғувчиларин-инг иштироки каби қатор масала-лар хусусида батафсил маълумот берилди.

Пойтахт ижтимоий ҳаётида ало-ҳида ўрин тутадиган мазкур сай-ловнинг кенг, изчил ёрилиши учун шарт-шароит яратиш мақсадида матбуот маркази ташкил этилиши, махсус веб-сайт ишга туширили-ши маълум қилинди.

**Фарида МАҲҚАМОВА,**  
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# БАХТ ВА ҚУВОНЧ МАСКАНИ

Замонавий истироҳат боғлари худудлар қиёфасини ўзгаририб, аҳолига қўшимча қулайликлар яратмоқда.

Аҳоли, айниқса, ёшларнинг маданий ҳордик чиқариши, бўш вақтини мазмуни ўтказиши учун қулай шарт-шароит яратиб бериш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар-нинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бинобарин, бу масала 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам ўз ифодасини топган.

## БУНЁДКОРЛИК

Мазкур дастуриламал ҳужжати билан Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йўлида амал-га оширишга оид Давлат дастури ижроси доирасида мавжуд 100 та истироҳат боғини ташмирлаш, ўнлаб ана шундай янги максаанларни барпо этиш кўзда тутилган.

Соҳа мутахассисларининг айти-шича, сўлим боғ ва хиёбонлар на-фақат шаҳар ҳамда туманлар қиёфасига кўрк бағишлайди, балки атроф-муҳит мусоффоли-ни таъминлаш, одамлар соғлигини мустаҳкамлашда гоят муҳим аҳама-иятга эга. Уларда ўтказиладиган ма-даний-маърифий тадбирлар эса ёш авлодининг билиминини бойитиш, Ватанга муҳаббат ва садоқат, мил-лий кадриятларимизга ҳурмат ҳис-сини кучайтиришга хизмат қилади. Шу боис бугунги кунда республи-камизнинг барча худудидида истиро-ҳат боғларини яратиш, мавжудла-рини замон талаблари даражаси-да қайта реконструкция қилиш ва жиҳозлаш ишлари жадал давом эт-тирилмоқда. Бу жараёнда тадбир-вий кўмағидан дорлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи

казилди. Зарур жиҳоз ва қурилма-лар Хитой давлатидан келтирилди. Лойиҳанинг иккинчи босқичида хориждан яна 10 та замонавий аттракцион келтирилиши, шунинг-дек, қўлпаб ўйингоҳлар ташкил этилиши режалаштирилган.

Мустақиллик айёми шодёнла-ри қилибди Наманган аҳолиси ҳам ана шундай тўхфага сазовор бўлди. Гап шундаки, сунъий кўл яқинида майдони 2,5 гектарлик дам олиш маскани — "Маткарим Азиз" марказий экопарки очилди. Бу ерда ҳордик чиқариш учун барча шароит муҳайё этилган. Болалар ва катта-лар учун мўлжалланган аттракцион-лар, спорт майдончалари, сув ўйин-гоҳлари шулар сирасига киради.

Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида очилган ана бир боғ тизим-даки энг йирик лойиҳалардандир. Буюк бобоқалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан ата-дан мазкур экопарк 62 гектар майдонни эгаллаган. Унга қираверар экансиз, дастлаб сизни ноёб дизайн-даги ноанъанавий фаввора ўзига мафтун этмай қолмайди. Унинг юқори қисмидан бамисоли ёмғир каби тушаётган томчиларга боқиб, жайра-тингиз, завқингиз ортади.

Боғнинг ўзига хос жиҳати шун-даки, у экологик меъморчилик талаблари асосида барпо қилинган. Бу ердаги сув ҳавзалари, спорт май-дончалари, шунингдек, бошқа ишончо ва мосламалар соғлом тур-муш тарзини хуш кўрувчилар талаб-ларига тўла мос келади. Шундан-ки, очик тренажёр, бадминтон,

волейбол, теннис, футбол майдонла-ри, велосипед йўлқаларидан спорт ишқибозлари, Мехрибонлик ўйлари тарбияланувчиларининг қадами узилмайди. Хиёбон марказидаги кич-кич орол эса турли маданий-маъ-рифий, ижодий кеча ва учрашувлар-ни ўтказиш учун айни мўдао.

Ташкиллаш кераки, бундай кенг қўламли ишлар Оролбўйи минта-қаси қиёфасига ҳам ажиб тароват бағишламодда. Негаки, мустақил-лик байрами арафасида Нукусда Амир Темур номидаги маданият ва истироҳат боғи қайта ташмирланб, фойдаланишга топширилган бўлса, Шуманай ва Қораўшқ туманлари-да янги боғлар очилди.

Қарши шаҳрида иш бошлаган Алишер Навоий номидаги истироҳат боғи эса воҳа аҳолисига энг улғ, энг азиз айёмга аҳолийи тўхфа бўлди, дейиш мумкин. Ушбу боғқа бир бора келган киши дунё бўйлаб сайр қил-гандек таассурот олади. Ахир бу ерда Регистон мажмуъаси, Оқсарой, Калтаминор, Эйфель минораси, Қозийей, Пиза минораси, Буюк Хитой девори, Тожмаҳал макбараси каби жа-ҳон сайёҳлари кўриш учун талпин-диган ноёб тарихий обидаларнинг мўъжаз "нуҳса"лари яратилган.

Эътиборлиси, юртимизнинг тур-ли гўшаларида фаолият йўлга қўйилган боғларнинг ақсарияти таш-лашдан бўлиб қолган худудларда яратилдики, натижада қаровсиз жойлар сўлим ва мафтункор мас-канларга айланди. Табиийки, бу иш-

## ЭКОЛОГИЯ

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан дунё миқёсида санатнинг жадал ривожланиши баробарида, унинг табиат, атроф-муҳитга салбий таъсири ҳам кучая бошлади. Жумладан, хлорфторуглеродли бирикмаларнинг ҳаддан ташқари кўп ишлатилиши оқибатида озон тўйнуқлари ҳосил бўлиб, унинг химоя функциялари даражаси пайсаянглиги мутахассислар томонидан қайд этилди. Шу боис 1985 йилда Озон қатламини химоя қилиш бўйича Вена конвенцияси қабул қилинди. Мазкур ҳужжат доирасида илмий тадқиқотларни ўтказишда халқро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, озон қатлами ҳамда уни емирувчи моддалар мониторингини юритиш, бу борада ахборот алмашинувини кучайтириш каби қатор вазифалар белгилаб олинди.

# Атроф-муҳит мусоффолиги

Барчамиздан юксак масъулият талаб этади



Пировадиди орадан икки йил ўтиб, яъни 1987 йилнинг 16 сентябрь санаси-да Озон қатламининг бузилишига олиб келадиган моддалар бўйича Монреаль Баённомаси қабул қилинди. Унда Озонни емирувчи асосий моддалар белги-ланб, улардан фойдаланишни қисқар-тириш ва умуман, баргараф этиш бўй-ича режа-жадал тайёрланди. Айни чо-гда ушбу жараён устидан назорат иш-лари йўлга қўйилди.

Мамлакатимизда мазкур экологик муаммонинг долзарблиги инобатга оли-ниб, Озон қатламини химоя қилиш ма-салалари давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллади. Бинобарин, Ўзбекистон 1993 йилда Озон қатламини химоя қилиш бўйича Вена конвенцияси ва Озон қатламининг бузилишига олиб келадиган моддалар бўйича Монреаль Баён-номасига қўшилди. Халқро ҳужжатлар талаблари ижроси доирасида тегишли миллий дастур ишлаб чиқилиб, уни амалга ошириш юзасидан ишончли меъ-ёрий-ҳуқуқий база яратилди. Хукумати-миз томонидан 2000 йил 24 январда қабул қилинган "Озон қатламини химоя қилиш соҳасидаги шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқро мажбуриятларини бажариш чора-тад-бирлари тўғрисида"ги, 2000 йил 14 мар-тада "Озонни бузувчи моддаларни ва таркибиди улар мавжуд бўлган махсу-лотларни Ўзбекистон Республикасида олиб қириши ва Ўзбекистон Респу-бликасида олиб қириш" тартибга со-лиш тўғрисида"ги, 2005 йил 11 ноябр-да "Озонни бузувчи моддаларни ва таркибиди улар мавжуд бўлган махсу-лотларни Ўзбекистон Республикасида олиб қириши ва Ўзбекистон Респу-бликасида олиб қириши тартибга со-лиши тақомиллаштириш тўғрисида"ги қарорлар ана шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, амалдаги қонун-чилигимизда ҳам озон қатламини му-ҳофаза этиш масалаларини тартибга со-лувчи норма ҳамда қондалар муста-хкамлаб қўйилган. Хусусан, "Табиатни му-ҳофаза қилиш тўғрисида"ги ҳамда "Ат-мосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунларда таркибиди озонни бузувчи моддалар бўлган буюм-лардан фойдаланувчи ва уларни таъ-мирловчи корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотлар бундай моддалар ҳисобга олинишини ва улар ҳавфсиз моддалар билан алмаштирилишини таъ-минлашлари лозимлиги, халқро битими-га мувофиқ, вазирлик ҳамда идоралар, қорхона, муассаса ва ташкилотлар, ху-сусий шахслар озон қатламига зарарли таъсир этувчи кимёвий моддалар ишлаб

чиқариш ҳамда бундай моддалардан фойдаланишни қисқартиришлари, шартлида батамом тўхтатишлари келгусида белгиланган.

Бундан ташқари, озонни емирувчи моддалар ҳамда таркибиди улар мав-жуд махсулотларни импорт-экспорт қилишни мўлжаллаштириш тизими амал қилмоқда. Озонни емирувчи мо-далар ҳамда таркибиди улар мавжуд бўлган махсулотларни Вена конвенция-си ва Монреаль Баённомаси аъзолари бўлган давлатларга олиб чиқиш ҳамда улардан олиб қиришга тақиқ жорий этилди

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

Илмий-тадқиқот муассасалари тасарруфидagi таянч докторантура ва докторантурага  
2018 йил учун куйидаги илмий йўналишлар бўйича  
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- физика-математика ва техника;
- табиий фанлар;
- ижтимоий-гуманитар фанлар.

Қабулга тегишли зарур маълумотлар ва талаблар билан Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасалари, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ва марказлари ҳамда минтақавий бўлимларида танишиш мумкин.

Таянч докторантурага кириш имтиҳонлари ва докторантура учун суҳбат 2017 йил 1 — 25 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.

## Таянч докторантурага кирувчилар куйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:

- чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил);
- мутахассислик.

## Таянч докторантурага кирувчи номзодлар куйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки магистр даражаси жорий этилгунча олинган олий маълумот тўғрисидаги дипломга эга бўлиш;
- муайян илмий натижаларга, шу жумладан, диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналлар ва нашрларда чоп этилган камида битта илмий мақола ҳамда илмий-амалий конференцияларда тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларига киритилган иккита маъруза-тезисга эга бўлиш;
- хорижий тилни магистратура битирувчисининг тегишли даражасида билиш;
- замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, шу жумладан, интернетдан фойдалана олиш.

## Докторантурага кирувчи номзодлар куйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёхуд уларга тенглаштирилган хорижий давлатларда олинган илмий даражалар;
- фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёхуд уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар олинганидан сўнг муҳим илмий ютуқларга эришиш, шу жумладан, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда чоп этилган камида учта илмий мақолага ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камида иккита тезисга эга бўлиш.

Бошқа шаҳарлардан келган мутахассислар ётоқхона билан таъминланадилар.

Хужжатлар 2017 йил 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.

Қўшимча маълумот ва қабул квоталарини [www.academy.uz](http://www.academy.uz) сайтидан олиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 233-59-46, 236-77-07.

## ХУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

## «Universal reator» МЧЖ

Бошлангич баҳоси босқичма-босқич  
ошиб бориш тартибда ўтказиладиган  
очиқ аукцион савдоларига  
таклиф ётади.

Аукцион савдосига «Elegans teks» МЧЖ ҚКга қарашли, Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Қўтарма маҳалласи, Тўқимачилар кўчаси, 7-уйда жойлашган, ер майдони 14,5 гектар, шу жумладан, бино-иншоотлар майдони 62 412,31 кв. м. бўлган кўчмас ва бошқа мулклар кўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 21 085 715 251 сўм.

## Аукцион савдоси шартлари:

- аукционда сотилаётган объектлар бўйича сотиб олиш учун тўловлар олди-сотди шартномаси имзоланадиган санадан бошлаб 3 (уч) ойдан ошмаган муддатда тўлаб берилиши лозим;
- хужжатларни расмийлаштириш ва рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ барча харажат (давлат божи, нотариал тасдиқлаш билан боғлиқ харажатлар ва бошқалар), аукцион ташкилотчисига тўланадиган комиссия тўловлар, аукцион ташкилотчисининг аукционни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлари ҳамда юзага келадиган бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;
- аукционда иштирок этиш учун талабгор мажбуриятлари бажарилишининг таъминланиши сифатида тўланган закатат пули аукцион голиби билан тузиладиган шартнома суммасига киритилади.

Аукцион савдоси 2017 йил 20 октябр кuni соат 15.00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истикбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Талабгорлардан буюртманомалар юқорида кўрсатилган манзилда иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2017 йил 19 октябр кuni соат 15.00 да тўхтатилади.

Ушбу кўчмас мулклар 2017 йил 20 октябрдаги савдода сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдолари 24, 27, 31 октябр кунлари соат 15.00 да юқорида кўрсатилган манзил ва шартларда ўтказилади. Такрорий савдолар бўйича буюртманомаларни қабул қилиш 23, 26, 30 октябр кунлари соат 15.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар буюртманомани савдо ташкилотчисига бевосита ёки почта орқали, шахсан ёхуд ўзининг ваколатли вакили орқали куйидаги хужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этишлари лозим:

- юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган хужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

- жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган хужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

- аукцион савдоси тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закатат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов хужжати нусхаси.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат пули тўғрисидаги келишувни имзолаганидан сўнг, объект бошлангич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини «Universal reator» МЧЖнинг «Капиталбанк» АТБ Тошкент шаҳар филиалидаги МФО: 00445, СТИР: 302269399, 20208000104975228001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

## Қўшимча маълумот олиш манзил:

«Universal reator» МЧЖ, 100047,  
Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 15-уй.  
Телефон: (0-371) 150-35-55.  
Факс: (0-371) 236-74-67.  
[www.reator.uz](http://www.reator.uz) E-mail: [universalreator@mail.ru](mailto:universalreator@mail.ru)

Хизматлар лицензияланган.

Қайта танлов якуни бўйича  
ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 мартдаги 124-сонли қарорига асосан, жорий йилнинг 28 августда Жиззах вилояти, 29 август кuni Навоий вилояти Давлат солиқ бошқармаларида «Айдар — Арнасой кўллар тизими дирекцияси» давлат унитар корхонаси томонидан балиқ овлаш хўжалиқларига санаот балиқ овлашини амалга ошириш учун сув хавзаси участкаларини ижарага бериш бўйича қайта танлов ўтказилди.

Комиссия талабгорлар орасидан куйидаги 14 та ташкилотни голиб, деб топди.

Т/р	Корхона номи	Мулкчилик шакли
1.	ERUDIT PLYUS	масъулияти чекланган жамият
2.	SHAKARBOY USMON	масъулияти чекланган жамият
3.	AYDAR OLTIN BALIG'I	хусусий корхона
4.	BEYNUR	хусусий корхона
5.	ZARAFSHON SUV MANBAI	масъулияти чекланган жамият
6.	MO'JIZALAR OROLI	хусусий корхона
7.	UMIDJON SAVDO KAPITAL	масъулияти чекланган жамият
8.	BEST ART LINE	масъулияти чекланган жамият
9.	SHOXRUX LAZIZ DIYOR	масъулияти чекланган жамият
10.	TURSUN BALIQCHI	хусусий корхона
11.	MANZURBEK-NASIMJON	хусусий корхона
12.	BEGZOD BARAKA	масъулияти чекланган жамият
13.	MARAT-MN	хусусий корхона
14.	KAMRONBEK RUSHONA	фермер хўжалиги

Танлов голиблари ижара шартномасини расмийлаштириш учун «Айдар — Арнасой кўллар тизими дирекцияси» давлат унитар корхонасига мурожаат этишлари лозим.

Дирекция манзили: Жиззах вилояти, Арнасой тумани, Голиблар шаҳарчаси,  
Арнасой тумани давлат солиқ инспекцияси биноси.  
Телефонлар: (0-595) 504-77-46 (42). Электрон почта: [aydar.arnasoy@soliq.uz](mailto:aydar.arnasoy@soliq.uz)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА, ДОКТОРАНТУРА ВА МУСТАҚИЛ ИЗЛАНУВЧИЛИККА  
КУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

08.00.07 — Молия, пул муомаласи ва кредит.

08.00.08 — Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит.

Хужжатлар 2017 йил 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй.

Телефонлар: (0-371) 237-48-42, 237-54-53.

E-mail: [info@bfa.uz](mailto:info@bfa.uz)

Веб-саҳифа: [www.bfa.uz](http://www.bfa.uz)

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

куйидаги ихтисосликлар бўйича 2018 йил учун докторантлар (PhD ва DSc)  
ҳамда мустақил изланувчилар институтига қабул эълон қилади.

## Докторантлар (PhD):

- 15.00.01 — Дорилар технологияси ва фармацевтика ишларини ташкил этиш — 2 ўрин.
- 15.00.02 — Фармацевтик кимё ва фармакогнозия — 1 ўрин.
- 14.00.17 — Фармакология ва клиник фармакология — 1 ўрин.

## Докторантлар (DSc):

- 14.00.17 — Фармакология ва клиник фармакология — 1 ўрин.
- 15.00.02 — Фармацевтик кимё ва фармакогнозия — 1 ўрин.

## Мустақил изланувчилар:

(ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун)

- 15.00.01 — Дорилар технологияси ва фармацевтика ишларини ташкил этиш.
- 15.00.02 — Фармацевтик кимё ва фармакогнозия.
- 14.00.17 — Фармакология ва клиник фармакология.

## Керакли хужжатлар:

## Таянч докторантура (PhD)

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома (шахсий варақа ва таржимаи ҳол);
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий таълим муассасасининг магистратура дипломи;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари (камида битта мақола ва 2 та тезис);
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиатларининг тегишли хужжат нусхаси;
- паспорт ва ҳарбий билет нусхалари;
- 3x4 см. ҳажмдаги 4 та фотосурат;
- иш жойидан тавсифнома.

## Докторантура (DSc)

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома (шахсий варақа ва таржимаи ҳол);
- тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий маълумот, фан номзоди ёки фалсафа (PhD) ёхуд уларга тенглаштирилган, хорижий давлатларда олинган илмий даражалар дипломи;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари (камида 3 та мақола ва 2 та тезис);
- паспорт ва ҳарбий билет нусхалари;
- 3x4 см. ҳажмдаги 4 та фотосурат;
- иш жойидан тавсифнома.

Хужжатларни қабул қилиш муддати — 2017 йил 15 сентябрдан 15 октябргача.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй.

Телефон: (0-371) 256-39-54.

Ўзбекистон Бағрий академияси  
КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ  
МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

2018 йил учун куйидаги ихтисосликлар бўйича таянч докторантура  
ва мустақил изланувчилар институтига қабул эълон қилади.

## Таянч докторантура

- 17.00.01 — Санъат назарияси ва тарихи — (2 та квота)
- 17.00.05 — Музейшунослик. Тарихий маданий объектларни консервация қилиш, таъмирлаш ва сақлаш — (1 квота)

## Мустақил изланувчилар институти

- 17.00.01 — Санъат назарияси ва тарихи.
- 17.00.04 — Тасвирий ва амалий безак санъати. Дизайн назарияси ва тарихи.
- 17.00.05 — Музейшунослик. Тарихий маданий объектларни консервация қилиш, таъмирлаш ва сақлаш.
- 17.00.06 — Маданият назарияси ва тарихи. Маданиятшунослик.

Таянч докторантура (PhD) сифатида ўқишга  
талабгорлар куйидаги хужжатларни топшира-  
дилар:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхаси;

Кириш имтиҳонлари 2017 йил 1 ноябрдан 25 ноябргача бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 123-уй.  
Телефон: (0-371) 255-98-39.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси жамоаси «Хандиза геология қидирув экспедицияси» давлат корхонаси директори Юсуф Турсунович МУМИНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га  
ЭЪЛОНЛАР  
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача  
232-11-15,  
236-09-25.  
E-mail: [roklama@xs.uz](mailto:roklama@xs.uz)

Халқ сўзи  
Народное слово

## Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 945. 79 501 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

## ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Таҳририят келган қўғазмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Редакция материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштириш ташкилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан сақланади.  
Газетанинг полиграфик жўхатда сифатдан чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.  
Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.  
Навбатчи — Д. Солиқов.  
Мусахҳах — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15 Топширилди — 22.45 1 3 4 5 6